


**"ТАСДИҚЛАНГАН"**  
"Navoiy issiqlik elektr stansiyasi" aksiyadorlik  
jamiyati Kuzatuv kengashi йиғилишининг  
25.07.2018 йилдаги 6-сонли  
йиғилиши қарори билан  
Кузатув кенгаши раиси

  
P. Мубаракшин.

25 июль 2018 йил  
№6-сон баённома



**"РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН"**  
Қимматли қоғозлар бозорини  
мувофиқлаштириш ва ривожлантириш  
Марказининг Навоий вилоят ҳудудий  
бошқармаси  
Бошқарма бошлиғи

  
P. Алимов

Navoiy davlat banki - son



ҚЎШИМЧА АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ  
ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

**"Navoiy issiqlik elektr stansiyasi" aksiyadorlik jamiyati**

Идентификация рақами берилди  
оддий акция:

R	U	1	0	3	E	0	1	5	5	7	5
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Номинал қиймати 100 сўм бўлган 13 554 870 280 дона оддий  
нақдсиз (ҳужжатсиз) акциялар

Акциялар ёпиқ обуна усулида (хусусий йўсинда) жойлаштирилади

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши учинчи чиқарилишдир.

Тасдиқланган: "Navoiy issiqlik elektr stansiyasi" aksiyadorlik jamiyati  
кузатув кенгашининг 2018 йил "25" июльдаги йиғилиши қарори билан

"Navoiy issiqlik elektr stansiyasi" aksiyadorlik jamiyati  
кузатув кенгашининг 2018 йил "25" июлдаги йиғилиши қарори асосида

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта  
манзили:

Эмитентнинг жойлашган жойи – Навоий вилояти, Кармана тумани, Янги-Ариқ ҚФЙ.

Эмитентнинг почта манзили – Индекс-210602, Навоий вилояти, Кармана тумани, Янги-  
Ариқ ҚФЙ.

Электрон почта манзили: info@nies.uz

Мулоқот телефонлари: 0-436-227-86-80 (5-04), факс: 0-436-227-86-91

Эмитентнинг раҳбари:



Ғаниев Қахрамон Худойбердиевич

Бош бухгалтер:



Ибрагимов Уммат Темирович

"25" июль 2018 йил  
Сана

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **оддий.**

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **ҳужжатсиз.**

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **100 сўм.**

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **13 554 870 280** дона.

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **1 355 487 028 000 сўм.**

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

**Акциядорлар:**

- жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрнини қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, акциядорлар қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг олинисига нисбатан жамият уставидagi ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

**Жамият уставида акциялар олинисига нисбатан чеклашлар кўзда тутилмаган. Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга мувофиқ, чиқарилаётган акциялар ёпиқ обуна орқали “Ўзбекэнерго” АЖ ҳисобига жойлаштирилади.**

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **18 553 360 000 сўм.**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

**183 678 200** дона эгасининг номи ёзилган оддий ва **1 855 400** дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли, жами **185 533 600** дона нақдсиз (ҳужжатсиз) акциялар.

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

**Жамият аввал корпоратив облигацияларни чиқармаган.**

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):

- **Мазкур чиқарилишдаги 13 554 870 280 дона акциялар ёпиқ обуна усулида “Ўзбекэнерго” АЖ ҳисобига жойлаштирилади.**

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

- **Жамият томонидан қўшимча акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.**

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси:

**Мазкур чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилган сана.**

Акцияларни жойлаштиришни тугаш санаси:

- Ушбу чиқарилишдаги энг охирги акция жойлашган сана, бироқ мазкур акциялар чиқарилиши давлат рўйхатига олинган санадан бошлаб уч юз олтмиш беш кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Мазкур чиқарилишдаги акциялар биржадан ташқари уюшмаган бозорда тўғридан-тўғри битим тузиш ва Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсида рўйхатдан ўтказиш йўли билан жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштириш бўйича хизмат кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари (андеррайтерлар) жалб қилиш кўзда тутилмаган.

11.4. Ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга ошираётган Марказий депозитарий ва инвестиция воситачисининг телефон рақамлари:

Жамият акцияларини сақлаш қонунчилиқда белгиланган тартибда Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади. Жамият акцияларига бўлган ҳуқуқларни ҳисобини юритиш, Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси ва инвестиция воситачилари томонидан амалга оширилади. Реестрларни шакллантириш Марказий рўйхатга олувчи вазифасини бажарувчи қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.

**•Марказий депозитарий ҳақида маълумот:**

Ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи: Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси Давлат корхонаси;

Ташкилий ҳуқуқий шакли: Давлат унитар корхонаси

Жойлашган манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107 уй;

Почта манзили: Индекс - 100 170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107 уй;

Телефон: 0371-267-37-42, факс: 267-36-87;

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқисиз ёпиқ обуна усулида “Ўзбекэнерго” АЖга жойлаштирилади.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

Кўшимча чиқарилишдаги акциялар 100 (бир юз) сўмдан жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

- Ушбу кўшимча чиқарилишдаги акциялар учун тўловлар «ORIGINAL BAHOLASH» МЧЖ баҳоловчи ташкилотининг 2018 йил 5 июндаги №24-сонли ҳисоботига асосан 478 МВт ли буғ-газ қурилмасини бозор қиймати 1 355 487 028 000 сўм миқдорида аниқланганлиги сабабли 1 355 487 028 000 сўм ҳисобидан амалга оширилади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган тақдирда, акциялар учун қабул қилинган тўловлар акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида жамият бухгалтерия ёзувларида тегишли ўтказмалар орқали амалга оширилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (кўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Ушбу акциялар чиқарилиши билан боғлиқ муҳим фактлар тўғрисидаги маълумот (ахборот) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда ошкор қилинади.

Кўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг асл нусхаси билан Навоий вилояти, Кармана тумани, Янги-Ариқ ҚФЙ жойлашган “Navoiy issiqlik elektr stansiyasi” aksiyadorlik jamiyati биносида танишиш мумкин.

Телефон: 0(436) 227-86-80.

13. Бошқа маълумотлар: бошқа маълумотлар йўқ.